

Редакцияга келган хатлардан



ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒДИ

Янгиер шаҳридаги 2-«Бойвут» совхозининг 4-бўлими жойлашган қишлоқнинг совхоз ишчилари «нурсиз қишлоқ» деб аташади. Сабаби? Бу ерда куёшнинг нури тушмайди. Ёки кечас ой чиққанида ҳаммаёқ чароғон бўлиб, бу қишлоқ булутнинг панасида қоладики? Йўқ, асло бундай эмас. Бунинг бошқа сабаби бор.

Шу ердан уч километр нарида жойлашган совхознинг марказий бўлими кечаси электр нуридан чароғон бўлади. Ишчи ва хизматчилар электр қувватидан фойдаланиб уйлари ёритиш учунгина эмас, балки ўзларининг маданий-маиший эhtiёжларини қондириш учун ҳам фойдаланадилар.

4-бўлимда яшовчилар эса бундай ҳузур-халоватдан маҳрум. Улар ҳам бошқалар каби далада ва чорвачилик фермаларида кун бўйи меҳнат қилишади. Кеч киргач эса, қишлоқ қўлишади. Кеч киргач эса, қишлоқ қўлишади. Кеч киргач эса, қишлоқ қўлишади.

Х. ЗИКРИЛЛАЕВ.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

Йўл ва кўприклар қурилади

Бўстонлиқ районидagi Хумсон қишлоғи билан Хўмнанент қишлоғи ўртасидаги 8 километрлик йўл ва дарёга солинган кўприклар бўлиб, йўл, шу сабабли бу йўлдан автобус ва бошқа транспортлар қатнамай қолди. Бу ҳол қишлоқ ҳаёлисининг қатновини қийинлаштириб қўйди, дейилган эди бир гуруҳга қишлоқ меҳнатчилари номидан редакцияга ёзилган шикоятда.

Текшириш ва чора кўриш учун район ижроия комитетига юборил-

ган бу шикоятга редакция куйидаги жавобни олади:

«Хўмнанент-Хумсон ўртасида йўл, кўприклар қуриш учун маблағ ажратилиб, проент-смета ҳужжатлари тайёрлаб қўйилди. Бу йўл ва кўприкларни қуриш Чирчиқ йўл ва йўллардан фойдаланиш бошқармасига топширилди. Қурилиш ишлари шу йил март ойидан бошланиб, июль ойида тавомиланади.

Бўстонлиқ район ижроия комитетининг раиси АСИЛБЕКОВ».

СОВЕТ САВДОСИГА ДОҒ ТУШМАСИН

Тошкент область давлат савдо инспекцияси совет савдосига доғ тушурувчи ана шундай фактларни кўпай аниқламоқда.

Утган йили давлат ва матбуот кооперацияси шохобчаларида 1837 тасида текшириш ўтказилганида, уларнинг 649 тасида савдо-сотиқ қондаларида хилоф иш қилинганлиги аниқланди. Жумладан, савдо ва умумий оқватланиш корхоналарида 399 тасида савдо ҳамда озиқ-овқат товарлари белгиланганидан ортиқ баҳо билан сотилганлиги, 400 дан ортиқда харидорларнинг ҳақиқат хилан қилиниши олиб келувчи тайри-қонилиши ўзгача асбоблардан фойдаланилганлиги, 100 дан ортиқда камчила савдо моллари яширинча сотилганлиги маълум бўлди.

Мана бир неча конкрет мисол. Бекбод район матбуот жамиятининг «Чанок» совхоз ишчилар кооперациясига қарашли 1-мағазини мудир А. Сувонов дераза рами ошиқ-мошининг бир жуфтини янги нарх билан 12 тийин ўрнига 26 тийиндан сотган.

«Беговаттор»га қарашли 14-хўжалик мағазинининг сотувчиси Р. Одилова бир харидорга эски нарх билан ҳаммаси бўлиб 20 сўм 19 тийинлик мол бериб, ундан 30 сўм 70 тийин ҳисоблаб олган. Бунинг устига худди шу харидорга килограмми эски нарх билан 19 сўм 20 тийинлик шурувдан 200 грамм тортиб берганда 30 грамм уриб қолган.

Оржоникидзе район матбуот жамияти Қўраб селъоси 1-селъаги галантерия бўлимининг мудир Д.

«Ташоблиқтор»га қарашли 11-китоб мағазинининг коллентини яхши ташаббус бошлади. Мағазини ходимлари бадий асарларини бевосита Куйбисhev район территориясидagi саноат корхоналарида сотишга қарор қилдилар. Суратда: Охунбобоев номли 1-пахта тозалаш заводиди китоб сотиш пайти.

М. Комлев фотоси.

«Юлғич эмасман!»

«Оққўрғон» совхози 10-бўлимининг ишчилари Абдулла Шодибоевни «юлғич» дейишди.

— Нега юлғич бўларканман? — дейди у сочларини тиккайтириб.

— Нега 22-мағазиндан қувилдингиз?

— Яхши ишлаганлигим сабабли менга 10-мағазини топширишди.

— Қурловни танисангиз керак?

— Албатта танийман. 32-мактаб ўқитувчиси. Нима эди?

— У сиздан хафа. Бир ярим килограмм шакарни 1 сўм-у 40 тийинга пуллабсиз. Пахта мойи килограммининг баҳосини 1 сўм-у 50 тийин туралди дебсиз. Нон булкасининг ҳар бири устига ошиқча нарх қўйиб сотибсиз. Бу юлғичлик эмасми?

— Юлғичлик тийиндан бўлмади. Сўм бўлганда ҳам бошқа гап эди. Ишонмасангиз, Оққўрғон район матбуот жамияти раҳбарларидан сўраб кўринг. Товари ўз нархидан 4—5 тийин қиммат сотиш юлғичлик деб ҳисобланганда, раҳбарлар менга бу йўлдан қайт, дерди-да.

— Деб қолшар.

Х. А. Шодибоевнинг юлғичлиги ҳақидаги фактлар билан энди райондаги алоқадор ташкилотлар қизиқар деган умидда.

Т. МАМАТОВ,

совхоз ишчиси.

5 ТОННАДАН СУТ ОЛИШ УЧУН!

Колхознинг сут-товар фермаси эрта тонгданок гавжум. Сут соғувчиларининг баъзилари ситирларга ем-хашак соляпти, бошқалари соғиш учун ҳозирлик қўриб, ситирларнинг яғринини қашлаб, едиларини ювапти...

Кичик хонада чўт қоқиб ҳисоб-китоб қилиб ўтирган, ўрта бўйли йигит — ферма мудир ўртоқ Ким Михаил бизни самимий кутиб олди. Биз ундан сут-товар фермасидаги ишлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Мен бу фермада кўпдан бери ишлайман. Шунинг учун ферма ишлари ҳақида бошдан-оёқ ҳикоя қилиб беришим мумкин, — деб гап бошлади ўртоқ Ким. — Бизнинг фермада 180 та ситир бор. Утган йили плани 103 процент бажардик. Бу муваффақиятларга илҳом таърибасини кенг қўлланганимиз оқсиди эришдик. Биз ситирларга ем-хашакни вагонеткада ташиб берамиз. Сутқасига бир ситирга 15 килограмм силос, 10 килограмм барда, 8 килограмм беда ва 2 килограммдан кунжара берамиз. Мана кўриб турибсиз, ҳаммаёқ озода.

— Сиз бизга илгўр сут соғувчиларининг иши ҳақида ҳам гапириб берамангиз?

Ўртоқ Ким бизни ўз қарамоғидagi ситирларни эндигина олиб бўлган оқ халатли жувон олдига бошлаб борди.

— Мана бу аёл, — деди ўртоқ Ким, — бизнинг илгўр сут соғувчиси Анна Грибёнкина бўлади. Бу киши ўз боқимидаги 16 бов ситирни яхши парвариш қилиб, улардан соғиб олинган сутни тобора оширмоқда. У ўтган йили 15 бов ситирнинг ҳар бирдан 5 минг литрдан сут соғиб олиб, мажбуриятини анча ошириб бажарди. Бу йил бу миқдорни 6 минг килограммга етказмоқчи.

Шунда мақтовдан эмас, балки ўз ишидан севинган ўртоқ Грибёнкина бизга қараб жилмайиб қўйди. Сўнг у ҳам ўз ишлари ҳақида гапириб берди.

— Фермада биз етти киши сут соғамиз, — деди у, — КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорлари бизни ҳам гоат қувонтириб юборди. Биз ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб, бу йил ҳар бир ситирдан 6 тоннадан сут соғиб олишга қарор қилдик. Утган йили 16 бов ситирнинг ҳар бирдан 2300 ўрнига 3269 литрдан сут соғиб олган ўртоқ Александр Петрова мен билан мусобақадор.

— Биз, — дейди сўзиди давом этиб ўртоқ Грибёнкина, — доим бамаслаҳат иш тутамиз. Ситирларга бир вақтда ем-хашак берамиз, бир вақтда соғамиз. «Сут ситирнинг тилида» деб бекорта айтишмаган. Ситирни қанчалик яхши парвариш қилсанг, уни силаб-сийпасанг, у сутини шунчалик кўп бераверади. Мен ҳар кун эрта билан ситирни соғишхонага олиб чиқаманда, уни қашлайман, сўнгга елиларини илиқ сув билан юваман. Шунда говмин

эркаланади. Ситир соғадиган электр асбоб елинига қўйилиши билан кийин сут бераверади.

— Сиз ситирларни очик ҳавода дам олдирансизми?

— Албатта, — деди у, — ситирларни биз ҳар кун маълум бир вақтда проғулкага олиб чиқамиз. Бунда ситирнинг баҳри очилади, томirlари ёйилади. Бу, унинг ҳам семирishi, ҳам соғлом бўлиши учун катта аҳамиятга эга.

Ўрта Чирчиқ районидagi «Полярная звезда» колхози сут-товар фермасининг ходимлари КПСС XXII съездининг ҳар бир ситирдан ўртача 5 тоннадан сут соғиб олиш билан нишонлаш учун курашмоқдалар.

Улар етарли даражада ем-хашак тайёрлаганлар. Чорвачилик ишлари тўла механизациялаштирилган. Шунинг учун ҳам ўз зиммаларига олган мажбуриятларини сўзсиз бажарадилар.

Т. ИУЛДОШЕВ.

ИНТИЗОР БУЛИБ...

Чинос посёлкисиди 1959 йили водопровод қурила бошлаган эди. Қўчалар ва йўлчалар қовлақди, ҳаммаёқ ағдар-тўтар қилинди. Денчадан-қанча давлат маблағи сарфланиб, икки километрдан ортиқ масофага трубадар қўйилди. Шунда ичимлик тоза сув келади, деган хабарни эшитган аҳоли севинчининг чеки бўлмаган эди.

Лекин водопровод қурилиши 1959 йилда ҳам, 1960 йилда ҳам тавомиланмади. Утган йили район коммунал хўжалик бўлими ишчи яна бошлаган бўлди. Унинг раҳбари ўртоқ А. Нуруллаев уч-тўрт кун югуриб-елди. Аммо иш яна охирига етказилмади. Шундай қилиб, посёлка аҳолиси ҳамон водопровод сувини интизор бўлиб кутмоқда.

Энди бу масала билан меҳнаткашлар депутатлари район Советининг ижроия комитети тузуқроқ шуғулланмаса бўлмайдиганга ўхшаيد.

М. ЮСУПОВ.



Ўзбекистон ССР Фанлар академияси гидрология ва инженерлик геологияси институтида ер ости сувларидан фойдаланишнинг илмий асослари ишлаб чиқилмоқда. Кўп йиллик илмий қушатишлар натижасида ер ости сувларидан экинларни сугориш мумкинлиги исботланди. Суратда: институт илмий ходими М. Хошимов Мирзаул шаронтида ер ости сувларидан фойдаланиш методикаси устида таърибга ўтказиб.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

Ажабланмай бўладими?

Пойтахтимизда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тобора яхшиланмоқда.

Лекин кўнчиликл ресторани ва ошхоналарга кирсангиз, айрим кишиларнинг «меню»ни қайта-қайта кўздан кечирилларини, сут билан тайёрланган таомлар ёки қиймалли қайнатма шўрва, бугда пиширилган котлет каби енгил ошқат бўлмагач, нойлоқ ошқатламай чиқиб кетишларини кўрасиз. Ошқозон-ичак касали билан оғриган ана шундай кишиларнинг қундуғи қисқа муддатда зам олиш пайтида соғлиғига тўғри келадиган иссиқ ошқат тополмай қийинчилигини бир кўз одингизга келтирингиз.

Балки савдо ташкилотларининг раҳбарлари «бундай кишилар учун Киров кўчасида пархез таомлар тайёрланадиган алоҳида ошхона очиб қўйилган-ку» дерлар. Тўғри, бундай ошхона бор ва у ишлаб ҳам турибди. Лекин Тошкентдек шаҳри азиямда у яққо-яққо. Шаҳарда эса юзлаб корхона, муассаса, ташкилот ва ўқув юртлари бор. Уларда жуда кўп сонли ишчи ва хизматчилар ишлайди, студентлар ўқийди. Улар орасида гарчи оз бўлса ҳам пархез таомга муҳтож бўлган кишилар бор.

Киров кўчасидаги ошхона эса ниҳоятда кичик, унинг ишлаб чиқариш қуввати кам. У ҳамма ошқозон-ичак касали билан оғриган кишиларга хизмат кўрсата олмайд.

Шу сабабли қачон қараманг, ошхона одам эич бўлади, ўиларча кичин набват кутиб туради.


(Мухбирлар хатидан).

Ем-хашак танқис бўлгач

«Бўка» совхозининг раҳбарлари аз вақтида ем-хашак етарли, қўлаб силос бостирганми, деб лоф уриб юрдилар. Айниқса совхознинг собиқ директори Исмомов лофчилида кўнчиликлни танг қолдирди. Старший зоотехник Греченко ҳам қишининг гамини ейиш ўрнига «бўлса-бўлар» чин-чин томонига ўтиб олди.

Оқибатда нима бўлди дег? Қогоза туширилган рақамлар қалбани рақамлар эканлиги эндиликда фоти бўлиб қолди. Ситир ситирларга ўз вақтида ем-хашак етказиб берилмапти. Ситирлар тўйиб озиқланмаётганлиги сабабли кундан-кунга суттин камайтириб юбораяпти. Ориқлаб кетаётган жониворларини кўриб ачинасан, киши.

(Мухбирлар хатидан).



ФЕРМА МУДИРИ: — ма, жонивор хашак бермасдан туриб сендан сут талаб қилмайман. А. Холиқов чизган расм.

У. ВАЛИЕВ,

Область давлат савдо инспекциясининг бош инспектори.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

3-БЕТ 7 МАРТ, 1961 ЙИЛ.

